

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давлат хариди бўйича Комиссиясининг Йиғилиш

## БАЁННОМАСИ №10

Тошкент шахри

9 11 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига мувофиқ ва Давлат экология қўмитасининг 2022 йил 18 октябрдаги 483-сонли бўйруғи асосида тайинланган комиссия таркиби:

**Йиғилиш раиси:** - Ж.Казбеков

Йиғилиш котиби - Ф. Хуррамов

**Давлат харидлари бўйича комиссия аъзолари:**

1. О. Ҳазратқулов

2. С.Бегиев

3. Г.Хожабекова

4. А. Муродов

5. Д. Абдураҳманова

6. Д.Абдуллаевлар иштирокида Давлат харидлари бўйича комиссия йиғилиши ўтказилди.

### КУН ТАРТИБИ:

Давлат экология қўмитасининг Давлат хариди бўйича Комиссиясининг 2022 йил 3 ноябрдаги энг яхши таклифни танлаб олиш учун қўйилган 162339-сонли лот рақами билан Геоахборот маълумотлар базасида Тошкент вилояти худудида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари тасарруфида бўлган жами 23 та (*майдони 4.1 минг га*) саноат чиқиндиларини кўмиш жойларига тегишли майдонли фазовий қатлам яратиш бўйича баённомани муҳокама қилиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунининг 7-боб 62-моддаси ҳамда Давлат экология қўмитасининг 2022 йил 3 ноябрдаги баённомасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида,

### ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Давлат харидларининг электрон тизимга муҳокама қилиш учун икки иш куни ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаганлиги, афилланганлик аниқланмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат экология қўмитаси Давлат харидлари бўйича комиссия раиси Ж. Казбеков, Рақамлаштириш ва кадастри юритиш бошқармаси бошлиги в.в.б Ф. Хуррамов ва бошқа комиссия аъзолари билан бир овозда

“GEO PREMIUM SERVICE” МЧЖ билан 590 000 000 (беш юз тўқсон миллион) сўмга КҚСиз шартнома тузишга қарор қилди.

3. Давлат экология қўмитаси Харида бўйича Комиссия котиби (Ф.Хуррамов) молия бошқармаси билан биргаликда муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида Харид Комиссиясининг тегишли мажлис баённомаси ҳамда шартнома имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги Давлат харидларининг маҳсус электрон порталига жойлаштирилсин.

4. Ушбу баён қарори бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

1. Раис: Ж.Казбеков



5. А. Муродов




2. О. Ҳазратқулов



6. Д. Абдурахманова



3. С.Бегиев



7. Д.Абдуллаев



4. Г.Хожабекова



# **Хўжалик буюртмаси асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш тўғрисида**

## **ШАРТНОМА 130-11/22**

"10" 11 2022 йил

Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи раис ўринбосари **Казбеков Жусипбек Сликбекович** Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига 5-илова “2021 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларининг чекланган миқдорлари” жадвалининг 13-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий худудлар, чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари давлат кадастрларини юритиш мақсадида бир томондан, иккинчи томондан GEO PREMIUM SERVICE» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Азимов Фарход Гапурович** ўртасида мазкур шартнома тузилди.

### **1. Шартнома предмети**

1.1. Ушбу шартнома асосида «Буюртмачи» буюртма беради, «Ижрочи» эса хўжалик буюртмаси мақомига эга бўлган: «Геоахборот маълумотлар базасида Тошкент вилояти ҳудудида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари тассарруфида бўлган жами 23 та (майдони 4.1 минг га) саноат чиқиндиларини кўмиш жойларига тегишли майдонли фазовий қатлам яратиш» ишини (хизматларини) Лойиханинг тавсифига (3-илова) мувофиқ бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Илмий-тадқиқот ишининг бажарилиш муддати: **31 декабрь 2022 йил.**

1.3. Илмий-тадқиқот иши бўйича амалга ошириладиган ишлар ва уларни бажариш муддатлари ҳамда бажарилган ишлар бўйича тақдим этиладиган хисобот шакллари ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган календар режага асосан белгиланади.

### **2. Бажариладиган иш нархи ва хисоб-китоб қилиш тартиби**

2.1. Ушбу шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган «Ижрочи» хизматининг (ишининг) умумий қиймати 590 000 000 (беш юз тўқсон миллион) сўмни ҚҚС сиз ташкил этади.

2.2. Ишнинг умумий қиймати ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган, Харид комиссиясининг 03.11.2022 йилдаги №162339-лот бўйича қабул қилинган баённомаси (4-илова) билан тасдиқланади.

2.3. Ишнинг умумий қиймати ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган харажатлар сметаси (2-илова) асосида тасдиқланади.

2.4. «Буюртмачи» ушбу шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida «Ижрочи»нинг хисоб варафига шартнома суммасининг умумий миқдоридан 30 фоизини ўтказади, қолган 70 фоизини эса тўлов қилиш тўғрисидаги далолатнома ва хисоб-фактураси хар икки томонлар имзолаганидан кейин амалга оширади.

### **3. Тарафларининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **3.1. «Буюртмачи»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:**

3.1.1. «Ижрочи»дан шартномани бажаришни амалдаги стандарт ва норматив хужжатлар асосида амалга оширишни талаб қилиш.

3.1.2. Илмий тадқиқот иши учун белгиланган суммани ўз вақтида "Ижрочининг" хисоб рақамига ўтказиб бериш.

3.1.3. «Ижрочи» томонидан кўрсатиладиган хизматларни (ишларни) сифатли бажарилишини талаб қилиш.

3.1.4. «Ижрочи» билан келишилган ҳолда ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

3.1.5. Мазкур шартнома шартлари «Ижрочи» томонидан бажарилмагандага ушбу шартномани бекор қилиш хамда етказилган зарарни ундириш.

### **3.2. «Ижрочи»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:**

3.2.1. Календар режага мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини ўз муддатида «Буюртмачи»га топшириш.

3.2.2. Илмий-тадқиқот доирасидаги ишларни бажариш учун маблағларни ўз вақтида молиялаштиришни «Буюртмачи»дан талаб қилиш.

3.2.3. Шартнома асосида топширилган натижаларга учинчи шахсларда алоҳида хуқуқлар йўқлиги ҳақида «Буюртмачи»га кафолат бериш.

### **4. Бажарилган ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ушбу шартнома буйича бажарилган ишлар “ишни қабул қилиш-топшириш далолатномаси” билан икки нусхада расмийлаштирилади.

4.2. «Буюртмачи» «Ижрочи»дан бажарилган ишни қабул қилиш-топшириш далолатномасини олганидан кейин 5 (беш) иш куни ичида уни имзолаш, юридик шахс муҳрини тасдиқлаш ва битта нусхасини «Ижрочи»га қайтариш мажбуриятини олади, ёки уша муддат ичида имзолашдан асосли равишда ёзма рад этиши мумкин.

4.3 «Буюртмачи» белгиланган муддат ичида «Ижрочи»га бажарилган иш учун имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномасини ёки имзолашдан асосли рад этишни ёзма равишда тақдим қиласа, ушбу шартнома буйича ишлар (хизматлар) «Буюртмачи» томонидан қабул килинган деб тан олинади, қабул қилиш-топшириш далолатномаси эса бажарилган ишни қабул қилинганлигини ифодалайди.

### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. «Ижрочи» мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун, агар шартноманинг бузилишида ўзининг айби йўқлигини исбот қиласа, «Буюртмачи»нинг ишлар қиймати доирасида кўрган реал зарарини «Ижрочи» қоплаши шарт.

5.2. Кечикирилган, иш бажарилмаган тақдирда, “Ижрочи” “Буюртмачига” ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди, бироқ бажарилмаган иш қийматининг 5 фоизидан ошмаган ҳолда.

5.3. «Ижрочи» агар ишларини бажариш жараёнида айбордor бўлмагани ҳолда ишни давом эттириш мумкин эмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, «Буюртмачи» «Ижрочи» харажатларини тўлаши шарт.

5.4. Шартнома «Ижрочи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаган ҳолатларда ишлар бажарилмаган ва шартнома шартлари бузилган деб хисобланади. Бу ҳолатда «Ижрочи» шартномага сарфланган маблағларни «Буюртмачи»га қайтаради.

### **6. Форс-Мажор ҳолатлари**

6.1 Агар шартнома мажбуриятлари кўйидаги ҳолатларнинг вужудга келиши натижасида бажарилмаган бўлса томонларнинг бирортаси ҳам ўзига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди: сув босиш,

ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий оғатлар ва шунингдек уруш, ҳарбий харакатлар ёки шартнома тузилгандан кейин томонларнинг назоратидан ташқарида енгиб бўлмас куч таъсирида содир бўлган ҳолатлар. Бунда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш муддати бундай ҳолатларнинг харакатланиш даврига мос равишда кейинга сурилади.

## **7. Низоларни хал қилиш тартиби**

7.1. Ушбу шартномани бажарилиши жараёнида юзага келган келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан хал қилинади.

7.2. Ўзаро келишув таъминланмаган ҳолда келишмовчиликлар Тошкент туманлараро иқтисодий судида хал қилинади.

## **8. Коррупцияга қарши қурашиш**

8.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши қуршиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яъни ходим ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян харакатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу харакатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

## **9. Шартноманинг амал қилиш муддати.**

9.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

9.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки ЎзРес Фуқоролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан келтирилган заарларни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

## **10. Бошқа шартлар**

10.1. Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун хуқукий, бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

10.2. Ушбу шартнома матнига киритилган барча тузатишлар, узгартиришлар ва қўшимчалар факат ҳар бир алоҳида ҳолатда томонларнинг вакиллари томонидан ёзма равишида қўшимча келишувлар шаклида узаро тасдиқланган тақдирдагина кучга киради.

10.3. Шартномага нарх тугрисидаги баённома (3-илова), харажатлар сметаси (2-илова), лойиханинг тавсифи (4-илова) ва клендар режа (1-илова) шартноманинг ажралмас кисми хисобланади

## 11. Тарафларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

### «БУЮРТМАЧИ»

Ўзбекистан Республикаси  
Экология ва атроф-мухитни муҳофаза  
қилиш давлат қўмитаси

OZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI  
MUHOFAZASI QILIISH DAVLAT QUMITASI

Manzil: 100047, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor 7A  
TEL: (0-371) 207-07-70 1027# 1041#  
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi  
**H/R:2340 2000 3001 0000 1010**  
Toshkent shahar Markaziy banki IKM MFO:00014  
Shaxsiy hisob varog'i: **10001086026294705699044003**  
STIR: 200 936 593 IFUT: 84111



Ж.С. Казбеков

### «ИЖРОЧИ»

"GEOPREMIUMSERVICE"  
масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота  
тумани, А.Абдулаев кўчаси 44-йд.  
Р/с 20208000100256544001  
"GARANTBANK" Зангиота филиали  
МФО: 00 414, ОКЕД 70100  
ИНН 302706724

"GEO PREMIUM SERVICE" МЧЖ  
директори



Ф.Г. Азимов

(юрий)  
Чечен

М.А.

2022 йил “10” “11” даги  
130-11/22-сон шартномага 2-илова

**“КЕЛИШИЛГАН”**

Давлат экология құмітаси раиси  
Үрінбосари

Ж.С. Казбеков



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

“GEO PREMIUM SERVICE” МЧЖ  
директори

Ф.Г. Азимов



**ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ**

Геоахборот маълумотлар базасида Тошкент вилоятидаги саноат корхоналари тассарруфида бўлган 23 та (майдони 4.1 минг га) саноат чиқиндиларини кўмиш жойларига тегишли майдонли фазовий қатлам яратиш

<b>№</b>	<b>Харажатлар</b>	<b>Сумма</b>
1	Мухандислик геодезик ишлари харажатлари	251 000 000
2	Картография ишлари харажатлари	182 000 000
3	Хизмат сафари харажатлари	113 000 000
4	Бошқа харажатлар (дала ва камералка ишлари, асосий восита, бошқа техникалар ва автотранспорт воситаси амортизацияси )	44 000 000
<b>ЖАМИ</b>		<b>590 000 000 сўм ҚҚС сиз</b>

Илмий тадқиқот иши раҳбари:

Ф.Г. Азимов

